

# Биздек бўлмасин!

16:03 / 19.04.2017 5122

## БИЗДЕК БЎЛМАСИН!

Келажак авлодга сўраганим шу,  
Доимо яшасин гулдек сўлмасин.  
Биз не бўлсак бўлдик, лекин тилагим,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

Шукур қилсин неки бўлса бориға,  
Болалар қори бўлсин қизлар қория.  
Бизлар яролмадик диннинг корига,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

Гоҳида сўрадик Яратгандан бахт,  
Гоҳида ёлвордик сўраб тилло тахт.  
Лек бугун тушуниб қилмоқдамиз аҳд,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

Иймон суст яшадик бўлиб кўр бахил,  
Бурнимиз учида туради жаҳл.  
Фарзлар қилинмасди, қаёқда нафл,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

Кундузлари юрдик гуноҳга ботиб,  
Жаннатни бир парча матога сотиб.  
Тунлари ухладик ғафлатда қотиб,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

Кимлардир шайтонга отган бўлса тош,  
Бизлар шайтон билан бирга едик ош.  
Бугун сўрармиз кўзлар жиққа ёш,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

Тилагим болалар бўлсин намозхон,  
Қизларнинг қалбида порласин иймон.  
Намозида дуо қилар Зоҳиджон,  
Биздан кейингилар биздек бўлмасин!

### **САРТАРОШ**

Халқимизда ҳикматли гап бор:  
"Соч топилар омон бўлса бош".  
Омон бошда соч топилар экан  
Демак оч қолмайди сартарош.

Қўл кўксида саломлар бериб,  
Иши тушиб келар қари-ёш.

Қўлда қайчи-тароғи билан,  
Кутиб олар супер сартарош.

Сочи ўрмон бўлиб келарлар,  
Ва қайтарлар бамисли қуёш.  
Шунда тилга бир сўз келади,  
"Қўлинг дард кўрмасин сартарош".

Бир нарсага хурсанд бўламан,  
Яхшиямки олинмайди қош.  
Агар қош ҳам олинганида ,  
Миллионер бўларди сартарош.

Энг муҳими оиласига,  
Едиради ҳалол луқма, ош.  
Шундай экан яқинларимга,  
Дейман: "Сиз ҳам бўлинг сартарош".

Юрагимда авайлаб юрган,  
Сирни бугун этмоқчиман фош.  
Бу сир эмас энди бир орзу:  
"Қанийди бўлсайдим сартарош".

## **ЖОЙНАМОЗ**

Қишда мени иситдинг,

Соя бўлдинг келса ёз.

Шукур доимо менга.

Ҳамроҳ бўлдинг жойнамоз.

Баъзан кўпайса ғамим,

Топилса ул-бул камим.

Ҳатто энг оғир дамим,

Ҳамдард бўлдинг жойнамоз.

Гуноҳларим ёришга,

Жаннат томон чопишга.

Ўзлигимни топишга,

Сабаб бўлдинг жойнамоз.

## **МАСЛАҲАТ**

Мен маслаҳат берай, сен қулоққа ил,

Барча айтганларим жиддий дея бил.

Ўтмишда қилган хатолар учун,

Тавба қил, тавба қил минг бор тавба қил!

Ҳа, ўтмишда қилдинг саноқсиз гуноҳ,

Энди фойда йўқдир чеккандан оҳ-воҳ.  
Тавбанг қабул қилар ҳар лаҳза Аллоҳ,  
Тавба қил, тавба қил тезроқ тавба қил!

Ота-онанг қадрин билмаган бўлсанг,  
Гапларин қулоққа илмаган бўлсанг.  
Гар уларни рози қилмаган бўлсанг,  
Тавба қил, тавба қил тезроқ тавба қил!

Ўтмишдаги барча ишларни унут,  
Баҳор келди энди қишларни унут.  
Уйғон ва кечаги тушларни унут,  
Тавба қил, тавба қил яна тавба қил!

Намозда қойим бўл, рўзада сойим,  
Тавба эшиклари очикдир доим.  
Бўлиб қолмасдан қиёмат қойим,  
Тавба қил, тавба қил дарҳол тавба қил!

Зоҳиджон ҳикматли шеърларингни ёз,  
Ислон равнақига ҳисса қўш бироз.  
Агар охиратим бўлсин десанг соз,  
Тавба қил, тавба қил сен тавба қил!

**СОҒИНДИМ МАН**

Аллоҳ учун жонин фидо қилган зотлар,  
Инсон қадрин тақвосида кўрган зотлар.  
Севса фақат Аллоҳ учун севган зотлар,  
Саҳобаи киромларни соғиндим ман.

Пайғамбарга жонин фидо қилган зотлар,  
Бор бойлигин пайғамбарга берган зотлар.  
Ўз нафсидан пайғамбарни севган зотлар,  
Ҳадичаи Куброларни соғиндим ман.

Аллоҳ учун йиғлаб дуо қилган зотлар,  
Кўргуликни фақат ундан билган зотлар.  
Ҳожасининг шаънин сақлаб юрган зотлар,  
Фотимаи Заҳроларни соғиндим ман.

**ҲИЖОБИНГНИ АСЛО ЕЧМАГИН СИНГЛИМ!**

Аллоҳ буюрганин қилмасанг агар,  
Мени ҳам сен қиздан қолади кўнглим.  
Сенга чин юракдан айтар сўзим шу,  
Ҳижобингни асло ечмагин синглим!

Майли бошқалар қилсин маломат,  
Иймонингни сақла доим саломат.  
Камина бу ишда тилайди омад,  
Ҳижобингни асло ечмагин синглим!

Бугун синовларга қилмасанг сабр,  
Эртага ўзингга бўлади жабр.  
Сени ўз домига олгунча қабр,  
Ҳижобингни асло ечмагин синглим!

Маломатчиларга ҳеч қулоқ солмай,  
Номус жиҳодида жанг қил толмай.  
Не бўлса ҳам ўзинг билгандан қолмай,  
Ҳижобингни асло ечмагин синглим!

**Муҳаммаджон Тулиев**